

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2025-yil 6-fevral, payshanba

№ 4 (9324)

@Qishloqhayoti_gazetasi



ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ЙИГИЛИШИ

Қишлоқ хўжалиги вазирлигида
вазирлик ҳузурида ташкил этилган
Жамоатчилик кенгашининг
йиғилиши бўлиб ўтди.

Кенгаш аъзолари ва соҳа вакиллари иштирок этган мазкур йиғилишни Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдурахмонов кириш сўзи билан очиб, вазирликнинг бутунги кундаги вазифаларини бажаришда ушбу Кенгашнинг қўмақчи, ҳамфи-кр бўлиши нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида эътироф этди.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори асосида барча давлат органлари қаторида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида ҳам ташкил этилган мазкур Кенгаш таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти инсти-тутлари ва турли соҳа вакиллари жалб этилган бўлиб, бу кенгашнинг мустақил ва ҳолис фаолият юритишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.



Йиғилишда Кенгаш таркиби шакллантирилди. Овоз бериш йўли билан Чори Латипов Кенгаш раиси, Адиба Ахмеджанова ва Бобур Расуловлар раис ўринбосари, Чарос Анварбекова Кенгаш котиби этиб сайланди.

Кенгаш раиси ва аъзоларининг таклифига кўра, қатор масалалар муҳокамага қўйилди ва гуруҳларга бўлинган ҳолда мавзуларни чуқур таҳлил қилиш, бунда ОАВ билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, жара-ёнларни интерактив усулда ташкил этиш ва масалаларни ҳал этишда ижтимоий тармоқлардаги имкониятлардан фойдаланишга доир бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

Жумладан, йиғилиш кун таркибидан қуйидаги масалалар ўрин олди:

- Худудий даражада амалга оширилаётган агротех-ник чора-тадбирларнинг самарадорлигини ўрганиш ва тақомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оши-риш механизмларини модернизация қилиш, янги ўқув дастурлари ва тренинглар жорий этиш масалалари;
- ХЕСИ дастурининг имкониятлари ва афзалликлари-ни кенг жамоатчиликка етказиш, унинг соҳадаги ўрни ва самарадорлигини ошириш йўналишида чора-тадбирлар белгиланди;
- Илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва инновацион ёндашувларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги фанлар академиясини ташкил этиш чоралари кўриб чиқилди;
- Ички бозор шароитида нархларнинг ўзгарувчан-лиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ва барқарор иқтисодий шароит яратиш учун тегишли чо-ралар муҳокама қилинди.

Муҳокамадан олдин бугунги йиғилиш кун таркиби-даги масалалар юзасидан, хусусан, бу масалаларнинг аҳамияти ҳақида қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдурахмонов батафсил маълумот берди.

Кенгашнинг шаффоф ва очиқ ишлаш тамойиллари асосида фаолият юритиши, унинг берадиган тавсия-ларига асосланиб, қишлоқ хўжалиги тизимида амалий натижаларга эришиш катта аҳамиятга эга эканлиги яна бир бор таъкидланди. Шу боис, кенгаш фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва унинг таклифларини самарали интеграция қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиши белгиланди.

Чарос АНВАРБЕКОВА,
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти соҳибаси.



АСАЛАРИЧИЛИК: ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМКОРЛИГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Республикада
асаларичилик тармоғини
замонавий илмий
ёндашувлар асосида
ривожлантириш,
асаларичилик
фаолиятини самарали
ташкил этиш учун
янада қулай шароитлар
яратиш мақсадида
қатор қарорлар
қабул қилинмоқда ва
ижобий натижаларга
эришилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 16 октябрдаги “Республикамызда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида Чорва-чилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорла-ри, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 12 июндаги “Асаларичилик тар-моғини қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалиги экинларини асалари билан чанглатишга доир қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида”ги қарори шулар жумласидандир.

Асаларичилик соҳасидаги даст-лабки маълумотлар эрамыздан ав-валги Миср тиббиётига оид асар-ларда, Зардуштийларнинг муқаддас “Авесто”сида, Ҳинд халқининг “Ҳаёт”

китобида, Тиббиётнинг “Жуд-жи” фа-нида учрайди. Ҳатто Ҳомер, Демокрит, Аристотель, Гиппократ каби дунё ало-ломалари ҳам кўпгина касаликлар-ни даволашда асалнинг аҳамияти бекиёслигини қайд этишган. Буюк бобомиз Абу Али Ибн Сино асалари маҳсулотларидан 500 тур, Абу Райҳон Беруний 300 турдаги дори-дармон тайёрлагани ҳақида маълумотлар бор.

Бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларида аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳти-ёжини қондириш, экологик тоза маҳсу-лот еттиштириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бунда асалари-чилик соҳасининг ҳам алоҳида ўрни бўлиб, соҳани янада ривожлантириш, асалари оиласи маҳсулдорлигини оширишга алоҳида эътибор берил-моқда.

(Давоми 2-саҳифада)

“Бўлажак ўқитувчиларнинг
касбий компетенцияларини
ривожлантиришда таълимий ўқув
контентлар билан ишлаш методикаси”
мавзусида илмий изланишлар олиб
бораётган Қори Ниёзий номидаги
Тарбия педагогикаси миллий
институтини мустақил тадқиқотчиси
(PhD) Сайёра Азизова ҳам
тадқиқотлари натижасида 2024-
йил МДҲ давлатлари ўртасидаги
халқаро амалий кўрик танловида
“Ёш тадқиқотчи” нишони билан
тақдирланди.



РИВОЖЛАНАЁТГАН СОҲАЛАР УЧУН САЛОҲИАТЛИ КАДРЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ БОШ ВАЗИФА

Замон шиддат билан ривожланмоқда. Ҳар бир мамлакат ўз тараққиёти ва келажагини юксак онг, билим ва тафаккурга эга авлод тақдирида кўрмоқда ва энг тўғриси ҳам шу. Янги Ўзбекистонда таълим, хусусан, олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар моҳияти ҳам аини шу мақсадга ҳамоҳангдир.

46 фоизни ташкил этмоқда.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган таълим йўналишлари сонини мақбуллаштириш, ўқув дастурларини тубдан янгилаш ҳамда таълим жараёнини замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаш бўйича вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтган ўқув йилида таъ-лим йўналишлари сони 71 тадан 24 тага, факультетлар сони 13 тадан 10 тага, кафедралар сони 41 тадан 25 тага қисқартирилди. Олий таълим йўналишлари ва мутахас-сисликларининг янгиланган классификатори асосида халқаро ва миллий меҳнат бозорларининг истиқболдаги

эҳтиёжлари инобатга олинган ҳолда “Молия ва молиявий технологиялар”, “Ахборот тизимлари ва технологиялари” йўналишлари ҳамда “Туризм ва меҳмондўстлик” каби мутахассисликларга қабул ташкил этилди. Хорижлик та-лабалар сони жорий йилда ўтган ўқув йилига нисбатан 3 мартага ортди. Университетнинг жорий ўқув йили учун қабул квотаси 1775 ўринни ташкил этиб, университетни танлаган абитуриентларнинг 361 нафари давлат грантла-рига эга бўлди, ажратилган квотага нисбатан 1,2 марта кўп абитуриент қабул қилинди.

(Давоми 3-саҳифада)

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

АГРОМЕТЕОСТАНЦИЯЛАР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Агрометеостанция далага ўрнатилса,
об-ҳаво маълумотларини уйдан туриб
ҳам билиш мумкин. Қурилма ақлли
алгоритмлари ёрдамида йиғилган
маълумотларни қайта ишлаб, касаллик
ва зараркунандалар чиқиши ҳақида
огоҳлантиради ва уларга қарши кураш
вақтини белгилаб беради.

Бунда зарарли объектларнинг ривожланиш босқичи асос бўлади. Атроф-муҳит 24 соат мобай-нида доимий кузатиб борилади, ундан ортиқ пара-метрлар бўйича маълумотлар йиғилади. Ҳар бир маълумот фойдаланувчи шахсий базасига тушунар-ли график ва жадваллар ҳолида тақдим этилади. 25 км. радиусдаги ҳудуд бўйича ўта аниқликда йиғирмадан ортиқ параметрлар асосида 7 кунлик об-ҳаво башорати берилади. Барча маълумотлар базада сақланади, бу қишлоқ хўжалигини рақам-лаштиришнинг бир кўринишидир.

(Давоми 3-саҳифада)



ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзсаноатқурилишбанк томонидан
Бухоро ва Навоий вилоятларида
тадбиркорлар билан учрашувлар
ташкил этилди.



Тадбирда банк мутасаддилари ишбилармон доира вакиллари билан Президентимиз бошчи-лигида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувват-лаб, шу орқали аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти билан ўртоқлашди. Бу борада банк тизимида амалга оширилаётган ишлар, тадбиркорлар учун яратилаётган енгилликлар ҳақида маълумот берилди.

(Давоми 3-саҳифада)

Корея Республикасидан келтирилган асаларилар учун оқсилли озуқа тайёрлаш лабораторияси Ўзбекистонда ягона бўлиб, бугунги кунда лабораторияда асаларилар учун оқсилли озуқалар тайёрланмоқда

(Боши 1-саҳифада)

Асаларичилик сердаромад соҳа бўлиб, асал-арилардан асал, асалари сути, перга, асалари заҳари, прополис, гулчанг ва мум каби маҳсулотлар олинади. Ушбу махсулотларнинг қишқоқ ҳўжалигида, тиббиётда, саноатда, қандалатчиликда ва бошқа тармоқларда аҳамияти бениҳоя каттадир.


Асал ишчи асаларилар томонидан ўсимликлар гулларидаги шарбатни тўплаб, организмда қайта ишлаш йўли билан ҳосил қилинадиган ширин суюқликдир. Асаларилар асални мумка-такларда ўзлари учун озуқа сифатида ғамлайди. Асал ўзининг хуштаъмлиги, хушбўйлиги ва ши-фобахшлик хусусияти билан юқори баҳоланади.



Асал

Асал таркибида 80 фоиздан кўпроқ углеводлар (глюкоза, фруктоза, сахароза), 0,4 фоиз кул, 13-20 фоиз сув бўлади. Асал таркибида ферментлар, витаминлар, минерал моддалар ва органик бирикмалар борлиги сабабли ноёб маҳсулот ҳисобланади. Унда инсон учун фойдали моддаларнинг 70 дан ортиқ тури мавжуд.

Асалари сути биологик стимулятор хусусиятига эга, гипотрофия ва гипотания касалликларини, аёллардаги лактация бузилишини даволашда қўлланилади. Асалари сути кўплаб тирик организмларнинг ўсишини тезлаштириб, вазнини оширади. Қанд эритроцитлар, глюкоза, гемоглобин, глобулинлар миқдорини кўпайтириб, холестерин ва нейтрофиллар миқдорини камайтиради ва шу орқали атеросклероз касалликларининг олдини олади ва даволайди.




Асалари сути

Миядаги қон ҳаракатини яхшилаб, қондаги аскорбин кислотасини камайтиради, қон босимини нормал ҳолатга келтиради. Жинсий имкониятларни ривожлантириб, организмнинг репродуктив имкониятларини яхшилайдди. Соҳада асалари сутини олиш учун асалари оилалари ичидан тарбияловчи оилаларни ташкил қилиш ва 12-24 соатлик личинкаларни кўчириб ўтказиб тарбияловчи оилаларга бериб, уч кундан кейин кўчириб ўтказилган личинкаларни олиб ташлаб, сутни жамғариб, консервация қилиш мумкин. Асаларилар гулчангни мумка-



такларда йиғиб, асал билан аралаштириб перга тайёрлайди, бу хомашёдан қишда ўзлари ва личинкаларини озиқлантиришда фойдаланадилар. Тиббиётда ундан ошқозон-ичак, жигар касалликларини, анемия ҳамда қон босими бўлган беморларни даволашда қўлланилади. Перга таркибида кўплаб миқдорда глюкоза, фруктоза, турли хил витаминлар, кислоталар ҳамда микро ва макроэлементлар мавжуд.



Перга

Гўшт ва тухумга нисбатан пергада аминокислоталар миқдори 5-7 маротаба кўпдир. Олинган перга 600 С ҳароратда 2 соат мабойнида Леофил аппаратида куритилади ва истеъмолга жўнатилади.

Асалари заҳари қадимдан халқ табобатида касалликларни даволаш мақсадида қўлланиб келинган. Ҳозирги кунда асалари заҳари тиббиётда радикулит, бод, биронхиял астма каби касалликларни даволаш, қон томирларини кенгайтириш ва моддалар алмашинувини яхшилашда ишлатилмоқда ҳамда апиказон, аписатрон, вирапин каби дори-дармонлар ишлаб чиқилмоқда. Заҳар олишнинг кўпгина усуллари бўлиб, энг самарали усул бу электр усулидир.



Асалари заҳари

Азал-азалдан асалари заҳари табобатда энг керакли даво чораларидан бири ҳисобланган. Қадимги Юнонистон, Арабистон, Миср ҳамда

Асаларичилик: ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМКОРЛИГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Осиё халқларида асаларилар билан чақтириб даволаш усулидан фойдаланилган.

Прополис таркибида 18 дан ортиқ микро ва макроэлементлар ҳамда ферментлар мавжуд. Прополис елимсимон модда бўлиб, уядаги асаларилар кирадиган тешикчаларни кичрайтиришда ва ортиқча тешикчаларни суваб бекитишда ишлатилади.



Прополис

Прополис тўқималарнинг регенерация жараёнини тезлаштиришда, куйгандан кейинги чандиқларни кичрайтиришда, оғриқни қолдиришда, ёғларни консервация қилишда, эндокрин безлар фаолиятини тиклашда, замбуруғлар, бактериялар ва вирусларни ўлдиришда, терини ултра бинафша нурлардан ҳимоя қилишда фойдаланилади.

Гулчанг – гулларининг эркаклик тўқималари бўлиб, ўсимликларнинг чангланиши ва насл қолдириши учун жуда муҳимдир. Асаларилар бу жараёнда қатнашиб, гулчангларни ўз эҳтиёжлари учун сўлак безлари ишлаб чиқадиған ферментларга бойитиб, оёқларига ёпиштириб, ўз уяларига ташийдилар.



Гулчанг

Гулчанг асаларилар учун табиий оқсилли озуқа ҳисобланади. Гулчанг ёш асалариларнинг ўсиши ва наслини озиқлантириш учун керакли бўлган оқсил ва минерал манбадир. Гулчанг ўзининг витамин ва хилма-хил моддаларга бойлиги билан инсон учун тенги йўқ озуқа ва соғломлаштириш хусусиятига эгадир.

Асалари муми эса парфюмерия ва косметикада, лак-бўёқ олишда, амалий ва тасвирий санъатда, электротехникада, полиграфияда, ёғочга ишлов беришда, тўқимачилик ҳамда ойнасозлик саноатида кенг қўлланилади.



Асалари муми

Асалари мумининг халқ ҳўжалигида аҳамияти жуда катта. Асалари муми бошқа кўпгина минерал, ўсимлик ва ҳайвон мумларидан юқори сифатларга эга бўлиб, таркибида парафин, церазин ва бошқа моддаларнинг бўлиши билан фарқ қилади. Шунинг учун асалари муми саноатимизнинг кўп тармоқларида ишлатилади. Асаларилар оилада мумдан мумпарда тайёрлаш мақсадида фойдаланади, бир кг. мум ишлаб чиқариши учун 4 кг. асал истеъмол қилади. Мум маҳсулотининг 80 фоизи мумпарда тайёрлаш учун, қолган тахминан 20 фоизи халқ ҳўжалигида ишлатилади. Парфюмерия ишлаб чиқаришда мумдан эфир мойи олишда фойдаланилади. У атиргул ва жасмин эфирдан қолишмайди ва анчагина арзон тушади. Бир тонна мумдан 5 кг. атрофида эфир мойи олинади ва қолган мум қолдиги саноат мақсадида ишлатилади. Бир мавсумда 1 та асалари оиласидан 15-20 кг. асал, 3-5 кг. гулчанги, 2-3 кг. перга, 200-300 гр. прополис, 300-500 гр. асалари сути, 4-6 гр. асалари заҳари, 3-4 кг. мум олиш мумкин. Бундан кўриниб турибдики асаларичилик жуда сердаромад соҳа ҳисобланади.

Асалариларнинг экинларни чанглатиш хусусияти ҳаммага маълум. Ўўза гулини асаларилар чанглатганда ҳосилдорлик салкам 28, резавор мева ҳосили 50-60 фоизга ортади. Беда уруғи уч баравар кўпаяди, мева ва пахта толасининг пишиб, етилиши тезлашади, сифати яхшиланади.

Республикамизда асаларичилик тармогини янада ривожлантириш, асаларичилик ресурсларни такомиллаштириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, асаларичилик соҳасида академик ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида Корея Республикасининг Корея Миллий-илмий тадқиқотлар ташкилоти жамғармаси (NRF) гранти маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган, Тошкент давлат аграр университетиде бажариётган “Ўзбекистонда Корея Республикаси ҳамкорлигида Smart-AI: Ақлли асалари оиласи тизим технологиясини қўллаш ҳамда асаларичилик ресурсларини ривожлантириш ва такомиллаштириш” мавзусидаги халқаро лойиҳа доирасида муайян натижаларга эришилди. Икки давлат университетлари ўртасидаги алмашув дастури асосида Андонг миллий университети

магистранти Kwon Sunho асаларичилик магистратура мутахассислиги бўйича Тошкент давлат аграр университетини муваффақиятли тамомлади. Университетнинг 8 нафар профессор-ўқитувчилари малака ошириш курсларини, 12 нафар 3-4-босқич талабалари ишлаб чиқариш амалиётини Андонг миллий университетиде ўтаб қайтишди. Корея Миллий илмий-тадқиқотлар ташкилоти (NRF), Корея ихтироларни олдинга суриш ва патентлаштириш ассоциацияси (KIPA), Андонг миллий университети (ANU), Beeonfarm компанияси, Beeherre компанияси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда Тошкент давлат аграр университетиде консултиватив семинар тренинглар, маҳорот дарслари ва илмий тадқиқот ишлари ташкил қилинмоқда. Лойиҳа доирасида грант маблағлари ҳисобидан Корея Республикаси томонидан қиймати 114 минг АҚШ доллорига тенг бўлган 2 та “Асаларичилик” ва “Асаларилар учун оқсилли озуқа тайёрлаш” номли ўқув лаборатория Тошкент давлат аграр университетига келтирилди.



Корея Республикаси томонидан келтирилган асаларилар учун оқсилли озуқа тайёрлаш лабораторияси

Ушбу лаборатория Ўзбекистонда ягона бўлиб, бугунги кунда лабораторияда асаларилар учун оқсилли озуқалар тайёрланмоқда. Асалариларнинг оқсилли озуқаси 1/1 нисбатда, яъни 10 кг. гулчанги, 10 кг. шакар, 10 кг. маккажўҳори уни ва 10 кг. соя уни қўшиб қоришма тайёрланади. Тайёрланган қоришмага 2-3 литр қайнатилган сув қўшилиб, хамир ҳолатига келгунга қадар яхшилаб аралаштирилади. Аралашмага 40/1 нисбатда, яъни ҳар 40 кг. озуқага 1 кг хлорелла, ачитқи замбуруғи, асал ва бошқа қўшимчалар қўшиш мумкин.

Лойиҳа доирасида жорий йилда университетимизда асаларичилик марказини ташкил қилиш, таълим сифатини янада ошириш мақсадида “Асалнинг сифатини таҳлил қилиш” ва “Она асалариларни сунъий уруғлантириш” номли 2 та ўқув лабораториясини университетга олиб келиш режалаштирилган. Ҳозирги кунда худудлардаги ёшларни касба йўналтириш мақсадида асаларичилик соҳасида қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш, илмий тажрибалар олиб бориш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Нарзулло ОБЛОМУРАДОВ,

Тошкент давлат

аграр университети ректори,

Боймаҳмад КАҲРАМОНОВ,

ТДАУ Умумий зоотехния ва ветеринария

кафедраси доценти.



Ҳа, устоз Убайдулло Носиров чорвачилик соҳасида ўзига хос мактаб яратган забардаст олимлардан эди. Унинг юксак илмий фаолияти ва амалиётда эришган улкан ютуқлари нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё ва кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам эътироф этилган. Бугун устознинг қолдирган илмий мероси ва тавсиялари соҳа мутахассислари учун асосий қўлланма вазифасини бажармоқда. Таваллуд айёми арафасида устозни яна бир бор хотирлаб, ҳаёт йўлларига назар ташладик.

Убайдулло Носиров 1935 йил Жиззахда таваллуд топди. Падали Насрулло ота ва волидаси Хурсаной она фарзандлари тарбиясига гоят эътиборли бўлишган. Аслида бундай масъулият бобоси Носир отадан мерос. Бобо ўқимаган бўлса-да, фарзандлари, набиралари олий ўқув юртларида таҳсил олишини, олим бўлишини орзу қилган ва бунинг учун барча имкониятларни яратиб бериш ҳаракатида бўлган. Шу сабаб набираларидан учтаси академик, еттигаси фан номзоди, қолганлари олий маълумотли етук мутахассис бўлиб етишди.

Убайдулло Носировнинг болалиги машъум уруш йилларига тўғри келган. У ҳам ўша давр болалари сингари меҳнатга эрта қўниқди, қишнинг аёвсиз совуғи-ю ёзнинг жазирмасига қарамай тенгдошлари билан турли юмушларни бажарди, эвазига бир бурда нон ҳамда бир пиеда чой билан “сыйланди”. У мана шундай оғир шароитда ҳам мактабда фанларни яхши ўзлаштирди, ўткир зеҳни, илмга бўлган меҳри, ноёб қобилияти билан синфдошларидан ажралиб турди. Оиладаги муҳит унга илм йўлидан дадил боришга куч бағишлади. Мактабни имтиёзли тамомлаб, Москва мўйначиллик институтининг қорақўчилик факультетига ўқишга кирди. Таълимдаги ислохотлар сабаб ўқишни Самарқанд қишлоқ

ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА ЎЗИГА ХОС МАКТАБ ЯРАТГАН ЗАБАРДАСТ ОЛИМЛАРДАН ЭДИ

ҳўжалиги институтида давом эттирди. У.Носиров аспирантуранга туғатгандан сўнг Ўзбекистон Чорвачилик илмий-тадқиқот илмгоҳида ишга қўйдирилди. Аввалаги илмий ходим, сўнг гўштдор қорамолчилик лабораторияси, кейинчалик қорамолчилик бўлимининг мудири вазифаларида ишлади. 1965-1982 йиллар давомида У. Носиров бошчилигида бўлим жамоаси сезиларли даражада кенгайтирилиб, истиқболли ёш олимлар билан мустаҳкамланди. Илмий ечимларнинг муаммоси чуқурлаштирилди ва изланишлар доираси кегайтирилиб, гўшт ва сут йўналишидаги молларнинг янги юқори маҳсулдор подаларини урчитиш ва селекция ишлари билан шуғулланди. Шунингдек, қора-ола, бушув, швиц, санта-гертруда, козоқи окбош, абердин-ангус, симментал ва бошқа зотларини такомиллаштириш ишлари олиб борилди. Ўзбекистон қора-ола, қўнғир, бахмал, тоғли тўқол ва Орол бўйи қорамолларнинг юқори маҳсулдор тизимлари ва хилларини яратиш асослари ва



усулблари ишлаб чиқилди. Гўштдор зотли қорамоллар подалари тоғ олди ва тоғли худудларда ҳамда Амударёнинг қуйи оқими ва Орол бўйида шакллантирилди. Сирасини айтганда, гўштдор қорамолчилик соҳаси тизими яратилди, натижада Ўзбекистон Республикаси собиқ Иттифок республикалари ичида қорамолларни гўштга топшириш бўйича биринчи ўринга қўтарилди.

Убайдулло Носиров 1982-1984 йилларда Республика селекция

марказига раҳбарлиги даврида қорамолчиликда кенг миқёсли селекция, наслчилик хизматини юритиш бўйича янги тизим муаллифи бўлиб, селекционер ва генетиклар илмий бўлиmlарининг тузилиши, эмбрионларни кўчириб ўтказиш илмий-ишлаб чиқариш лабораторияси ҳамда наслдор бўқаларни парваришлаш ва

ноябрь ойда АҚШнинг Техас штатидан импорт қилинган 80 бош санта-гертруда зотли молларни иқлимлаштириш, наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини селекция ва технологик усулларда такомиллаштириш тадқиқотлари ўтказилди ва амалиётга жорий этилди. Уларнинг сони 1995 йилга келиб

3,5 минг бошга етказилди. Соф зотли молларнинг 5 та қириндош гуруҳлари ва 50 дан ортиқ сиғирлар оилалари шакллантирилди. Маҳаллий қорамолларнинг санта-гертруда генотипи гуруҳлари ва подалари яратилди.

У.Носиров “Ўзбекистонда гўшт маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва гўштдор қорамолчиликни яратиш услублари” номли докторлик диссертациясини химоя қилди ва бажарилган барча илмий-тадқиқот ишлари ишлаб чиқаришга кенг жорий этилди.

1984 йилнинг июнь ойда У.Носиров Ўзбекистонда чорвачилик илмий-тадқиқот илмгоҳига директор этиб тайинланди. Сўнгра 1989 йилда “Племэлита” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош директори лавозимига сайланди. Шу йиллар мобайнида ЎзЧИТИ Ўрта Осиё минтақасида чорвачилик ҳамда озуқа етиштириш бўйича биринчи илмий марказга – илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бош илмгоҳига айланди.

У.Носиров Тошкент қишлоқ



ҳўжалик институти билан педагогик ҳамкорликни йўлга қўйди, сўнг бу эзгу мақсадни давом эттириш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида фаолият кўрсатди. Соҳага бўлган масъулият унинг педагогик маҳоратини намоён этди. Шу сабаб кўплаб зоотехник кадрлар, магистрлар, фан номзодлари ва докторларини тайёрлади, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, методик ишланмаларнинг муаллифига айланди. Педагогик вазифа билан илмий тадқиқот ишларини юқори салоҳиятда бажариш профессор У. Носировнинг табиати ва фидойиллиги билан чамбарчас боғлиқ.

2006-2008 йилларда “Фермер ҳўжалиklarини барқарор ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашининг илмий ва амалий асослари”, 2009-2011 йилларда “Қорамолчилик фермер ҳўжалиklarини модернизациялашнинг селекция ва технологик асослари”, 2012-2014 йилларда “Шахсий ердамчи ва деҳқон ҳўжалиklar чорвачилигини модернизациялаш истиқболлари”га хос илмий, амалий муаммолар ишланди ва монография шаклида чоп этилди.

У.Носировнинг илм-фандаги

янгиликлари, уларни амалиётдаги иқтисодий самараси ҳукумат томонидан эътиборга олиниб, турли даражадаги мукофотлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. У Бутун Иттифок халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасининг “олтин” ва “бронза” медалларига сазовор бўлди. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвони берилди. Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалик академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланди.

У.Носиров Германия Саксония-Ангальд қорамолчилик Иттифокининг селектор-бонитёр сертификати билан тақдирланган.

Устоз Убайдулло Носиров серҳаракат, серғайратлиги сабаб мана шундай шарафга сазовор бўлди. Унинг ҳаёт йўли барчамиз учун ибрат мактаби бўлиб, шу йўлда оғишмай боришга куч бағишлайди. Зеро, яхши инсонлар вафот этганларидан кейин ҳам тўғри йўлга бошловчи машъақдилрлар. Шу сабаб устоз доимо қалбимизда яшайди.

М.Х.ДОСМУХАМЕДОВА,
Тошкент давлат аграр университети Умумий зоотехния ва ветеринария кафедраси профессори, қ.х.ф.д.

Жорий йилда университетда 400 ўринли
“Маънавият ва маданият маркази” лойиҳаси ҳам амалга оширилади

(Боши 1-саҳифада)

Университетда рақамлаштириш жараёни жиддий тус олган. ОТМда 30 дан ортик контентга эга “Open-Science Platform” (Очиқ илм-фан платформаси) ишга туширилди. Платформанинг рақамли кутубхона модули нафақат университет ходимлари ва талабалари, балки барча ушбу тизимга кирувчилар учун очиқ бўлиб, у ердаги мақола, монография, электрон дарсликлар, ўқув қўлланмаларни namdu.uz рақамли кутубхонасидан олишлари мумкин.

Университетда рақамли технологияларни кенг жорий этиш мақсадида замонавий IT-парк ташкил этилган ва у 44,1 минг АҚШ доллари қийматидаги махсус конфигурациядаги компьютер қурилмалари билан жиҳозланди. IT-паркда тахсил олувчилар учун алоҳида 30 ўринли маъруза хонаси ҳам ташкилланиб, парк ходимлари томонидан Google компаниясининг юз минг АҚШ доллари қийматида эга “Google for Education” гранти асосида “Google Workspace” платформасидан 100 терабайт жой ажратилишига эришилди ҳамда “Google Classroom” ва “Google Office” каби булутли платформалардан бепул фойдаланиш имконияти берилди. Ўтган йилнинг ўзида профессор-ўқитувчилар томонидан 189 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди. Бу 2023 йилга нисбатан 1,4 мартага кўп. Қолаверса, университетда вилоят ёшлари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалар ходимларини хорижий тилларга ўқитиш мақсадида “Тил ўрганиш маркази” ташкил этилди. Марказда инглиз, немис, турк, хитой, корейс ва рус тиллари каби ўнлаб хорижий тиллар ўргатишмоқда. Марказ таркибда бутун дунё бўйича юздан ортик тил таълимини олиб боровчи TESOL халқаро ташкилоти филиали мавжуд бўлиб, ушбу ташкилот нафақат вилоятдаги балки, водийдаги хорижий тил ўқитувчилари, ёшларига тил билиш даражасини белгиловчи сертификатга тайёрлаш хизматини кўрсатмоқда. Университетда шу каби

яна бир қатор таълим хизматлари йўлга қўйилганки, улар фаолияти натижақисда жорий йилда топилган даромадлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 1,7 мартага ошиб, 8,4 млрд. сўмга етди.

– Наманган давлат университети “Times Higher Education Impact Rankings-2024” да 1001-1500 ўринни, “Green Metric” халқаро рейтингининг 2024 йилги рейтингинда 813-ўринни, Ўзбекистон ОТМлари орасида 20-ўринни қайд этди, – дейди университет ректори, педагогика фанлари доктори, профессор Собитхон Турғунов. – Жорий йилда “Times Higher Education Impact Rankings” рейтингинда ТОП-1000 таликка кириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Халқаро ҳамкорлик доирасида 2024 йилда ТОП-300 талик ОТМ лардан 14 та, ТОП-500 талик ОТМ лардан 35 та, ТОП-1000 талик ОТМ лардан 60 таси билан шартномалар тузилиб, ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. 2025 йилда ҳамкор ОТМлар сонини 200 тадан ошириш ва асосан ТОП-300 ва ТОП-500 таликка кирган ОТМлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш режалаштирилган.

Университет профессор-ўқитувчиларидан 104 нафари 2024 йилда ҳамкор хорижий ОТМларда қисқа ва узок муддатли стажировка ҳамда малака ошириш курсларида иштирок этди.

Иқтидорли талабаларни илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга йўналтириш мақсадида 2024 йил давомида 28 та илмий семинар ва ўқув машғулотлари, 4 марта иқтидорли талабаларнинг илмий-инновацион кўргазмалари ҳамда 2 марта “Ёшлар академияси” форуми ўтказилди. 2024 йилдан 1-курсларда ўқитиладиган 77 та умумқасбий ва мутахассислик фанлари ўқув дастурлари олий таълимининг халқаро рейтингигади “TOP-300” таликка кирувчи 14 та етакчи хорижий университетлар таълим дастурлари асосида ишлаб чиқилди. Талабаларнинг ёзги малакавий амалиётини хорижий давлатларда ташкил этиш мақсадида “Unit Study”, “Venn Akademiyasi”, “Asibz” каби ташкилотлар билан шартномалар имзоланди, шартномага кўра жорий ўқув йили якунига қадар 200 нафар, 2025-2026 ўқув йилида 600 нафар талаба Германия, Япония, Хорватия, Греция, Болгария каби давлатларда малакавий амалиёт ўташ имкониятига эга бўлишлари белгиланди. Натижада университет битирувчилари юқоридаги давлатларнинг ташкилот ва корхоналарида ўз мутахассислиги бўйича ишга кириш имкониятини ҳам кўлга киритишгади.

Дарҳақиқат, 2024 йилда университетда кенг қўламли бунёдкорлик лойиҳалари амалга оширилди. Жумладан, 3-ўқув биноси талабаларнинг сифати таълим олишлари, ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлишларини таъминлаш учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 5,97 млрд. сўм қийматида капитал таъмирланди ва ўқув хоналари тиббиёт ҳосасида кадрлар тайёрлаш мақсадида қайта оптималлаштирилди. Ўқув жараёни эҳтиёжлари учун қарийб 1 млрд. сўмлик амалиёт ва ўқув-киликни машғулотлари учун фойдаланиладиган симуляцион таълим жараёни билан жиҳозланди. Мазкур турмардан чиққан фўв биносида келгуси йилда “ANAMED” тиббиёт марказининг инвестиция киритиши асосида замонавий тиббиёт лабораториясига эга бўлган клиник база ташкил этилиши кўзда тутилган. Бунда талабаларни бевосита назарий таълим ва амалиёт интеграциясини таъминлаш мақсадида тиббий диагностика, ўқув лаборатория, стационар даволаш хоналари ташкил этилиб, хоналар Буюк Британия, АҚШ, Германия каби мамлакатларда ишлаб чиқилган Mindray BS-380, Mindray MR-96A маркали ИФА анализаторлар, Shibe MAGLUMI X3, ППР-Анализатор DE Light маркали Ихла анализаторлар ва замонавий мебель ва таъмирот билан жиҳозланади. Қолаверса, 2024 йилнинг ўзида университетдаги 36 та ўқув лаборатория таркибидан 32 та фан бўйича лаборатория машғулотли ўтказиш учун жиҳоз ва ускуналар билан таъминланди. “Кимё”, “Кимё-технология”, “Механика”, “Экология”, “Биология” ўқув лабораториялари



РИВОЖЛАНАЁТГАН СОҲАЛАР УЧУН
САЛОҲИАТЛИ КАДРЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ
БОШ ВАЗИФА

учун 518,0 минг АҚШ доллари қийматидаги жиҳоз ва ускуналар келтирилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди.

Талабалар мустақил таълимини ташкил этиш бўйича мутлақо янги тизимдаги низом-йўриқнома ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Бугунги кунда университет АРМ умумий фонди 57,4 фоизи дарслик ва ўқув қўлланмалар, 15,4 фоизи илмий ва 16,7 фоизи бадий адабиётлар ҳамда 10,5 фоизи бошқа туркумдаги ва махсус адабиётлардан иборат. Ўқув адабиётларининг 100 фоизи электрон форматга ўтказилган.

Талабаларга мустақил таълим топшириклари устида ишлашларига шароит яратиб бериш мақсадида 80 та ноутбукдан уйда фойдаланиш, ўқув лаборатория хоналарида дарсдан бўш вақтда тажрибалар ўтказиш амалиётлари йўлга қўйилган.

2024 йилда университет ўқув жараёнининг ахборот-коммуникация технологиялари билан

таъминотини ошириш мақсадида 3,4 млрд. сўмлик 250 та компьютер, 30 та ноутбук, бундан ташқари рақамли панел, монитор ва минбарлар харид қилинди. Натижада университет компьютер фондининг 24 фоизи янгиланди. Университетдаги мавжуд 249 та аудиториянинг барчаси кузатув камералари билан жиҳозланди. Қолаверса, ўтган йили университетда “Медиа марказ” ташкил этилди. Марказда ўқув машғулотларида фойдаланиш ҳамда талабаларга ўқув ресурслари сифатида тақдим этиш учун видео-дарслар яратиш, визуал машғулот материалларини тайёрлаш имконияти яратилди. Барча ўқув бинолари ва талабалар турар жойларининг иситиш тизими бутунлай янгилангани ва бу борадаги муаммоларнинг тўла барҳам топишига эришилгани ҳам молиявий мустақилликнинг самарасидир.

Ўтган йили университетнинг қарийб уч гектар майдонида яшил инновацион “Экобоғ” яратилди. Боғ ҳудудига дунёнинг бешта минтақасида ўсувчи 86 турдаги 1500 тул ноёб дархат ва буталар, 3000 тулдан ортик декоратив гуллар экилди. “Экобоғ”да биология, экология, география ва қишлоқ хўжалиги ҳосасидаги таълим йўналишларининг 17 та фанидан очиқ майдонда амалий машғулотлар ва мустақил таълимини ташкил этиш, илмий тажрибалар ўтказишга ўқув-илмий платформа яратилиб, таълим сифати ва талабалар амалий-қасбий кўникмаларини ошириш имконияти яратилди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида университет ҳудудида 8200 тул дархат ва бута кўчатлари экилди. Жорий йилнинг январь-феврал ойларида эса яна кўшимча 2 гектарлик “Экобоғ” яшил майдонлари ташкил этилади.

Туркиялик ҳамкорлар билан лойиҳалаштирилган 96 млрд. сўмлик 2000 ўринли “Инновацион ўқув бино” қурилиши сўнгги босқичда, қчин вақт ичида табиий ҳамда аниқ фанлар соҳасига оид таълим йўналишлари ўқув жараёналари бошланади. Ушбу ўқув биносида замонавий лабораториялар ташкил этилиб, унда бакалаврият ва магистратура мутахассисликлари билан биргаликда таянч докторантуралар учун илмий тадқиқотларни амалга ошириш имкониятлари яратилади. Бу эса университетта ўқишга кирган ҳар бир ёш учун таълим босқичлари узвийлигини таъминлаб, бакалавритдан бошлаб олий таълимдан кейинги таълимгача бўлган фаолиятни амалга оширишга имкон яратади.

Университетда 2024 йилда 36 миллиард сўм бюджетдан ташқари маблағ эвазига 7 қаватли 650 ўринли замонавий талабалар турар жойи биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Талабалар турар жойида турли тўғарақлар ташкил этилган ва 12 та янги лойиҳага старт берилган. Уларга 18 минг талаба қамраб олинади.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини 2030 йилга келиб 70 фоизга етказиш белгиланган. Ҳозирда университетнинг Тарих, География ва Атроф-муҳит муҳофазаси, Кимё, Физика, Биология, Математика кафедраларининг илмий салоҳияти 70 фоиздан ошди. Жорий йилда Биотехнология, Ўзбек тили ва адабиёти, Ижтимоий фанлар, Мактабгача ва бошланғич таълим методикаси, Педагогика

кафедраларининг илмий салоҳиятини 70 фоизга етказиш режалаштирилган.

2024 йилда PhD диссертациясини ҳимоя қилганлар улуши 55, DSc докторлик диссертацияларини ҳимоя қилганларлар улуши эса 40 фоизга ошди.

Университет профессор-ўқитувчилари томонидан ўтган йили 3 та ихтиро, 35 та фойдали модел, 2 та саноат намунасига патент гувоҳномаси ва 61 та ЭХМ дастурлари учун муаллифлик ҳуқуқи гувоҳномалари олинди. Жорий йилда бу йўналишдаги ишларни 2 баробарга ошириш белгиланган.

Ўтган йил давомида аввалги йилга нисбатан 2 баробар кўп халқаро ва Республика миқёсидаги илмий-амалий анжаманлар ўтказилди, 422 нафар изланувчи илмий фаолият олиб борди ва улар сони 2023 йилга нисбатан 34 фоизга ортди. 2025 йил учун 38 та ихтисослик бўйича 172 нафар изланувчи докторантура, таянч докторантура ва стажёр-тадқиқотчиликка қабул қилинди, илмий изланувчилар сони 45 фоизга ошди. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан олий таълимдан кейинги таълим қамрови бўйича эълон қилинган рейтинг кўрсаткичлари бўйича Наманган давлат университети республикада биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Ўтган йили қиймати 3,7 млрд. сўмни ташкил этувчи 3 та халқаро қўшма, 1 та тижоратлаштириш ва 2 та стартап лойиҳалари бажарилиди. Бу ўтган йилгига нисбатан 2,2 млрд. сўмга кўп ҳисобланади. 2025 йилда бундай лойиҳалар сонини 2 баробарга ошириш учун янги лойиҳалар шакллантириш ва танловларда иштирок этиш режалаштирилган. Университетнинг илмий ишлаб чиқариш лабораторияларида “Сабзавот

ва ноанъанавий хомашёлардан цукатлар ишлаб чиқариш” ва “Пўлат симларни қўзиш учун композиит материаллар ишлаб чиқариш” йўлга қўйилган бўлиб, жорий йилнинг ўзида 200 миллион сўмлик махсулотлар ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди. Ишлаб чиқариш ҳажминини янада ошириш мақсадида 60 миллион сўмлик қуритиш ускунаси, 49 миллион сўмлик қадоқлаш ускунаси келтириб ўрнатилади.

2024 йил давомида 12 та хўжалик шартномалари тузилиб, 153,3 млн сўм бюджетдан ташқари маблағлар туширишга эришилди. Бу 2023 йилга нисбатан 60 фоизга кўп демакдир.

Университетда 9 та ихтисослик бўйича 5 та илмий даражалар берувчи илмий Кенгашлар фаолият олиб бормоқда. 2024 йил давомида мазкур Кенгашларда 3 нафар изланувчи фан доктори (DSc), 36 нафар изланувчи фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини олиш учун диссертация ишларини муваффақиятли ҳимоя қилди. 2025 йилда илмий Кенгашлар сони 9 тага, улар қошидаги ихтисосликлар сони 16 тага етказилади.

Университетда давлат стипендияси соҳиблари йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2024 йилда улар сони 30 фоизга ортди. Республика ва халқаро миқёсда ўтказилган нуфузли танловларда иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти натижасида кўлга киритган совринлари миқдори 161,2 млн сўмни ташкил этди. Шунингдек, ўтган йилда талабалар халқаро ва республика миқёсида иқкинчи ўринни эгаллади. Университет қизлар жамоаси волейбол бўйича икки карра Ўзбекистон кубогига 1-ўринни кўлга киритиб, кубок эгасига айланди. Университет жамоасининг “Заковат” интеллектуал ўйинларида иштирок этиши бўйича алоҳида тажриба мактаби яратилди. Жамоа Фаргона водийси ОТМлари талабалари ўртасидаги бахсларда мунтазам равишда 1-ўринни эгаллаб келяпти, республика миқёсида кучли учлик таркибиди. Билимдон талабалар жамоаси ўтган йил сўнггидаги “Интеллектуал олимпиада”нинг эрудит-квартет бахсларида 2-ўринни эгаллади

ва 60 миллион сўм миқдоридаги пул мукофотини кўлга киритди. Университет жамоалари “Заковат” ҳамда волейбол бўйича мусобақаларнинг республика босқичида барча йўналишларда совриндор бўлган ягона жамоа сифатида эътироф этилди.

Университетда маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш, хусусан, талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, улар истеъдодини юзага чиқариш, интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Кузатув кенгаши қарори асосида “Истеъдодли талабалар билан ишлаш бўлими” ташкил этилди. Бўлим томонидан 69 та янги тўғарақ ташкил қилиниб, уларга қўшимча 1800 нафар талаба жалб қилинди.

2024 йилда талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ижара ҳуқуқи асосида яшаётган 1200 нафардан ортик талабаларнинг 1,2 миллиард сўм ижара тўлови қоплаб берилди. 300 дан ортик иқтидорли талабалар 1,1 миллиард сўм миқдорида моддий рағбатлантирилди. 2025 йилда бу кўрсаткич янада ошади. Шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, 2024 йилнинг ilk ҳафтасидан бошлаб сўнггига қадар “Бир ҳафтада – бир китоб” лойиҳаси ўтказилди. Мазкур лойиҳа орқали талабаларга 54 номдаги илмий-бадий китоблар тақдим этилди ва 12 мингдан ортик талабалар қамраб олинди.

Университет жамоаси жорий йил учун ҳар бир йўналишда муҳим вазифаларни ўз олдига қўйган. Жумладан, очиқ илм-фан платформасида профессор-ўқитувчилар ва талабалар ҳамда аҳоли учун ҳам қўшимча рақамли хизматларни йўлга қўйиш ва бу орқали университет ўқув, илмий, маънавий фаолиятини тўлиқ рақамлаштиришга эришиш режалаштирилган. Йилнинг биринчи чорағида Хитойнинг Шинжон Экология ва география институтини билан ҳамкорликда таълим жараёналарининг амалиёт билан бевосита интеграциясини таъминлаш мақсадида умумий майдони 720 м.кв бўлган 8 та (алкология, биотехнология ва микробиология, биокимё ва молекуляр биология, ботаника, зоология) ўқув ва илмий лабораторияларини ташкил этиш ишлари якунланади. Ушбу лабораториялар университетда таълим сифатини янада ошириш билан бир қаторда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида биохимия-хилмикни муҳофаз қилиш ва ресурслардан барқарор фойдаланиш, иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини юмшатиш, ўзгарувчан муҳитларга чидамли ўйсимликларни биотехнологик усулларда қўнайитиришга йўналтирилган тадқиқотлар олиб боришга имкон беради. Шунингдек, қчин вақт ичмда лабораториялар қошида ноёб ва йўқолиб бораётган ўйсимлик ва ҳайвонлар коллекцияларини яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, жорий йилда 1-ўқув биносидида фойдаланилмаётган биноларни қайта реконструкция қилиш ҳисобига 1200 ўринли ўқув қувватига эга ўқув аудиториялари ҳамда Туркиянинг Ўрта шарқ техника университети билан ҳамкорликда ташкил этиладиган “Технокент” илмий-амалий лойиҳаларни шакллантириш ва тижоратлаштириш маркази барпо этилади.

Университетнинг 2-ўқув биносидида олиб борилаётган реконструкция ишлари ҳисобига бино қуввати 1200 ўринга етказилади. Ушбу ўқув бинода мутахассислик фанлари хорижий тилларда ўқитиладиган 9 та таълим йўналишларининг 22 та академик гуруҳлари ҳамда Жанубий Кореянинг Сежон қиролик университети, Туркиянинг Ўрта шарқ техника университети ва Айдин университети, Россия озиқ-овқат технологиялари университети, Урал федерал тиббиёт университети ҳамда Синергия каби “TOP-1000” таликка кирувчи нуфузли хорижий университетлар билан ташкил этилиладиган 11 та қўшма таълим дастурлари талабалари тахсил олиши режалаштирилган. Хорижий тиллар асосида

ўқув жараёни ташкил этиладиган, хоржқ тажрибаси асосида таълим андозалари йўлга қўйиладиган ҳамда хорижий тил муҳитини яратадиган ушбу ўқув биноси университет жамоасига катта имкониятларни тақдим этади. Ўз навбатида, ушбу йилда университетнинг кириш қисмида мурожаатларни тез ва зудлик билан ижобий ҳал қилиш ва интерактив хизматлар кўрсатиш мақсадида “Офис регистратор” ва талабаларга банк, кредит, сўғурта ва молиявий хизматлар кўрсатиш маркази ташкил этилади. 95 миллиард сўм бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига яна 1200 ўринли 3 та талабалар турар жойи биноси бунёд этилади. Натижада талабаларни турар жой билан қамраб олиш кўрсаткичи 100 фоизга етади. Шунингдек, жорий йилда университетда 400 ўринли трансформацион хусусиятга эга бўлган “Маънавият ва маданият маркази” лойиҳаси ҳам амалга оширилади. Марказда талаба-ёшлар ижодий салоҳиятини юксалтириш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилади ҳамда “Мақом”, “Ракс”, “Вокал” ва “Чолгу” тўғарақлари фаолият олиб боради. Талабалар турар жойи ҳудудида ёпиқ мини футбол майдони, волейбол ва баскетболга ихтисослашган универсал спорт майдончаси, паралимпия йўналишлари инobatта олинган замонавий усти ёпиқ воркаут майдончасининг қурилиш ишлари ниҳоясига етказилади. Натижада 2025-2026 ўқув йилидан университетнинг ўқув бинолари қуввати 10 минг ўриндан ўтади.

Ўлўнда қилиб айтганда, Наманган давлат университети соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг фол иштирокчисига айланган. Тараққиётнинг ўзига ҳо йўлидан аниқ режа ва мақсадлар билан оидмлаётган олий таълим муассасаси жорий йилда ҳам улкан натижаларга эришиши, шубҳасиз.

ШАҲЛО ТОШБЕКОВА,
Наманган давлат университети қошидаги
“Пресс клуб” бош мутахассиси.



ТАДБИРКОРЛАР
БИЛАН УЧРАШУВЛАР
ДАВОМ ЭТМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

“Бизнеса омад 2”, “Онлайн факторинг”, “Тезкор кредит 2”, “Бизнес START-UP” каби янги кредит махсулотларининг афзалликлари, маҳалла банкири ва ёрдамчи-агентлар фаолияти тушунтирилди. Шунингдек, тадбиркорлар томонидан билдирилган тақлиф ва муаммоларни масўл ташкилотлар билан белгиланган тартибда ижобий ҳал этиш бўйича вазифалар белгилаб олинди. Ўзсаноатқурилишбанк раҳбариларидан иборат ишчи гуруҳининг тадбиркорлар билан навбатдаги учрашувлари Сурхондарё вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Учрашувларда Саросиё ва Жарқўрган туманларидан юзга яқин ишбилармон доира вакиллари иштирок этди. Очик мулоқотда тадбиркорлар эркин фаолият юритишида тўсиқ бўлаётган айрим масалалар, жумладан, банк кредитларидан фойдаланишда гаров ва кафиликка оид, шунингдек, солиқ ва божхона билан бог-лиқ юзага келаётган муаммолар бўйича мурожаат қилишди. Банк мутасаддилари тадбиркорларнинг ҳар бир мурожаат ва тақлифларини тинглаб, уларни ижобий ҳал этиш бўйича аниқ кўрсатмалар берди.

Банк томонидан жорий қилинган янги кредит махсулотлари ҳамда онлайн хизматлар тақдимот қилинди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, жорий йилда Ўзсаноатқурилишбанк томонидан Сурхондарё вилоятида 33 мингдан зиёд аҳолини даромадли меҳнат билан бандлиги таъминлаш кўзда тутилган. Шу мақсадда қички ва ўрта бизнесга 343,2 млрд. сўм, иқтисодий дастурлар доирасида эса, 78,6 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Ўзсаноатқурилишбанк ахборот хизмати

Агрометеостанциялар қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга

(Боши 1-саҳифада)

Агрометеостанциянинг афзалликлари кўп. Ўйсимликларнинг иқлимга оид ҳолати, касалик ва зарарқундаларнинг ривожланиши ва уларга қарши кураш доимий назоратда бўлади, захарли препаратлар сарфи камайиб, экологик соф махсулотлар кўпаяди. Агроном мутахассисларга қўшимча матулотлар берилади, 7 кунлик об-ҳаво башоратига қараб галдаги ишлар режалаштирилади.

Қурилма Европа стандартлари асосида тайёрланган бўлиб, иқлимга ўта чидамли ва куёш энергиясига тўлиқ автоном ишлайди. Мазкур аппарат ўзимизда, ИНХ университети олимлари томонидан яратилган арзон махсулот бўлиб, беш йилга қафолатланган. Ўзбек тилида, тушунарли графикалар асосида тақдим этилгани учун уни мутахасис бўлмаганлар ҳам осон тушунади.

Қурилмадаги параметрлар: ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, тупроқнинг ҳарорати, намлиги ва электр ўтказувчанлиги, ёғингарчилик миқдори, шамол тезлиги ва йўналиши, шудрингланши ҳарорати, эврпорттранспирация, сезувчан иссиқлик оқими, парли босим етишмовчилиги, қурилманинг картадаги геолокацияси, аккумулятори ҳолати ва ҳоказо. Қурилма мевали дархатлар ва सबзавот экинларидаги касалик ва зарарқундалар ҳақида огоҳлантира олади. Ақли алгоритмлари ёрдамида, иқлим шароитидан келиб чиқиб, қатор хашарот ва касалликларнинг ривожланиш, тарқалиш эҳтимоллари ҳисоблай олади. Сирасини айтганда, ривожланган мамлакатлар йирик бог ва экзорларларида ушбу қурилма албатта, ўрнатилади, ундан тўғри фойдаланилса, соҳибкорларга яқин кўмакчи бўлади.

Расулжон ХОЛМИРЗАЕВ,
Тўрақўрган тумани
Агрохизматлар маркази ўйсимликлар бўйича маслаҳатчи-агрономи.

Таникли журналист ва мохир ёзувчи, серкирра ижодкор Маматқул Ҳазратқуловнинг кутлуғ 78 ёш остонасида “Олтин мерос пресс” нашриётида “Варақсиз дафтар” китоби нашрдан чиқди.

Варақсиз дафтардаги салмоқли битиклар...

М.Ҳазратқулов гарчи узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида давлат юмушлари билан банд бўлган эса-да, сермаҳсул ижод қилган ёзувчилардан бири, дея оламан. “Оққуш”, “Ёруғ кун”, “Чўли ироқ”, “Ҳаётнинг бир парчаси”, “Журъат”, “Қуёш мен томонда”, “Қўзичоқнинг кўз ёшлари”, “Интизор”, “Эшиклар очик”, “Икки соҳил”, “Севги сози”, “Гладиолус”, “Китобим ичра сен борсан”, “Қизил ва яшил” каби ҳикоя ва қиссалар тўпламлари бунга мисолдир. У забардаст драматург ҳам. “Лев Толстой ва ўзбек адабиёти” рисоласи нашр этилган. “Меҳр кўп кўргиздим...”, “Меҳмон”, “Қадрим”, “Ҳақ сўз”, “Афандининг янги саргузаштлари” пьесалари мамлакатимизнинг турли театрларида сахна юзини кўрди. “Сайёра” балетининг либреттоси, “Ипаклари тиллодан”, “Нон” каби ҳужжатли фильмлари томошабинларга нихоятда манзур бўлди.

М.Ҳазратқулов таржимасида Озарбойжон халқ ёзувчиси Анарнинг “Албатта учрашамиз” номли ҳикоялар ва қиссалар тўплами илк бор ўзбек тилида нашр этилди. Азид рус ёзувчилари Лев Толстой,



Василий Шукшин, япон ёзувчиси Акутака-ва Ронозэку, озарбойжон ёзувчилари Юсуф Самад ўғли, Элчин, Ашраф Иброҳимов, татар ёзувчиси Тофиқ Айди, тожик ёзувчиси Жума Одинаев, грузин ёзувчиси Григол Абашидзенинқатор асарларини она тилимизга таржима қилди. Ўқувчилар эътиборига тақдим этилаётган янги “Варақсиз дафтар” китоби эса адибнинг аввал ҳеч қерда қайд этилмаган, аммо бугун оммага



айтишни истаган юрак тубида сақлаган ҳақиқатларидир. Бу ҳақда муаллифининг ўзи шундай дейди: “Ушбу китоб ўзим бевосита иштирок этган, кўрган воқеалар ҳақида. Бировдан эшитган гаплар, воқеалар йўқ. Улар ошириб, бўрттириб, ҳатто бадийий сайқал бериб ёзилмади. Баъзи ўринларда муайян шарҳлар, мулоҳазалар битилди, ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун изохлар берилди, холос. Китобга “Варақсиз дафтаримдан саҳифалар” деб ном берилгани – бу воқеалар на ён дафтарга, на диктофонга ёзилган. Ҳаммаси варақсиз дафтарим – хотирамни “титкилаб”, “варақлаб” улардан танлаб олинган ва китобхонлар эътиборига тақдим этиш лозим, деб топилган лавҳалар. Мабодо, айрим сана ёки рақамларда хатолик учраса, азиз ўқувчилардан уэр сўрайман”.

Асар муаллифининг ҳаёти ва фаолиятига муқояса қилиниб, шартли равишда бешта дафтарга бўлинган. Эришган ютуқлари, юксалиш зинапоаяларидаги диққатга молик ҳар бир детал инобатта олинган. Шу маънода мазкур китобни муаллифининг мактаб йилларидан тортиб, салкам 60 йил

лик меҳнат фаолиятига нисбатан виждон сарҳисоби, дейиш мумкин.

Махсус монтаж бошқармасида оддий ишчи бўлиб иш бошлаган талаба не-не машаққатли меҳнатлар, сарсону саргардонликларга, тақдир сўқмоқларида эврилишларга учраб, олижаноб инсонлар кўмаги ва устозлар рағбати билан вазир даражасига кўтарилади, йигирмадан ортиқ давлатни кўрган жаҳонгашта журналист, адиб ва арбобга айланади. Муаллиф ўзи бевосита иштирок этган қизиқарли воқеалар, кўрган-кечирганлари ҳақида, муҳим қарорлар қабул қилишдаги мураккаб ҳолатлар тўғрисида равон тилда ҳикоя қилар экан, уларни бутунги дориломон замон билан таққослайди ва шу кунларга етказгани учун шукрона айтади.

Китобда муаллифинингяқин дўстлари, ҳамкасблари, устозлари, атоқли шоир ва ёзувчилар, олимлар, санъат даргалари ҳақида ҳикоя қилинган ва буларни адибнингўша улуг инсонларга чексиз эҳтироми рамзи-ифодаси дейиш мумкин. Шу билан бирга, асар ижод бўстонида қимматли тарихий манба ҳамдир.

Маматқул Ҳазратқулов жамиятимизни қийнаётган ва сурункали тус олган энг огрикли муаммоларга ўзининг узоқ йиллик кечинма-англамлари ва юксак виждон позициясидан келиб чиқиб баҳо беради, манتيқий мушоадаларини журналистик кузатишларидан ҳосил бўлган аниқ тақлифлар билан тўдириб баён этади.

Лазиз РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон Журналистлари уюшмиси аъзоси,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори.

Бугунги кунда мобил телефонлар нафақат алоқа воситаси, балки ўсмирлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Ҳаётимизни ва турмуш тарзимизни осонлаштирадиган янги технологиялар билан бирга, ушбу технологиялар билан боғлиқ турли хил муаммолар ҳам мавжуд. Шундай қилиб, бугунги кунда мобил алоқанинг йўқлигини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди, аммо инсоннинг соғлиғига бераётган зарари ҳақида унутмаслигимиз керак.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ёш авлод ҳар куни гаджетлар ёрдамида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланади. Энг машҳур ва кенг тарқалганлар орасида мобил телефонлар ва ноутбуклар, компьютерлар ва планшетларни кўришимиз мумкин. Электрон тизимларнинг зарарли таъсири қўлаб гаджетлардан бир вақтнинг ўзида фойдаланиш натижасида келиб чиқади.

Гаджетлардан назоратсиз фойдаланиш нафақат организм ички аъзолари ва тизимларидаги турли функционал ўзгаришларга, балки касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Экран ва мониторлардан, замонавий гаджетлардан ўтадиган радиация кўриш қобилиятининг бузилишига олиб келадиған омиллардан биридир. Бизнинг кўзимиз шундай яратилганки, унинг нигоҳини кичик ўлчамдаги нарсаларга қаратиш жуда қийин. Кўз мушаклари миямизга аниқ тасвири етказиши учун гайритабiiий ҳаракатларни амалга ошириши керак, айниқса бу мобил ёзишма ёки мобил ўйинлар ҳақида гап кетганда, қўлингизда телефон билан иложи борича узоқ вақт ўтказганингизда кузатилади. Нега бизнинг кўриш қобилиятимиз пасая бошлайди? Инсон кўзи оддий режимда яқин нишонлардан узоқдагиларга ўтади. Биз мобил телефон экранига жуда узоқ вақт қараганимизда, кўзларимизни доимий равишда яқин кўриш режимида ишлашга мажбур қиламиз. Натижа: миопия (ақиндан кўриш қобилияти), қуруқ, қизариб кетган кўзлар, кўриш кескинлигининг пасайиши, фотосезувчанлик. Яна бир муаммо – бу одамлар учун хавфли бўлган кўк чирок. У инсоннинг “биологик соати”ни ўчиради, асаб тизимига зарар етказиши, кўзнинг шох парда ва қорачиғига салбий таъсир кўрсатади. 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган смартфон фойдаланувчиларининг 63 фоизи мобил телефондан фойдаланган одамларда мия ўсимтаси ривожланиши ўртасидаги боғлиқликни аниқлади. Агар одам ҳар куни 45-60 дақиқадан кўпроқ вақт давомида мобил телефонда гаплашса, бош оғриғидан кутулиб бўлмаслиги исботланган. Мобил телефондан мунтазам фойдаланишнинг энг “зарарсиз” ва жуда тез содир бўладиган оқибатлари: хотира ва диққатнинг пасайиши, бош оғриғи, қулоқ пардасидаги қулаганиш, асбийлашиш, тўсатдан чарчoқ ҳужумлари,

МОБИЛ ТЕЛЕФОНДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК?

олдин, чирoқ ўчирилгандан сўнг мобил қурилмалардан фойдаланиш турли механизмлар орқали уйку сифатининг бузилишига олиб келади. Технологик инқилоб туфайли мобил телефон фойдаланувчиларининг кўпчилигида смартфонлар мавжуд бўлиб, улар интернет ва ижтимоий тармоқларга кириш, видеороликлар томоша қилиш, онлайн суҳбатлашиш ва ўйин ўйнаш имконини яратади. Бу эса рағбатлантирувчи фактор сифатида ўз ўрнини кўрсатиб, мобил телефондан меъёридан ортиқча фойдаланишга ва унга бўлган қарамликка олиб келади.

Венгриялик олимлар мобил телефон фойдаланувчиларида мия ўсимталари ривожланиши эҳтимоли ҳақидаги маълумотларни тақдим қилишган. Улар 20 ёшдан 29 ёшгача бўлган, болаликдан мобил телефондан фойдаланган одамларда мия ўсимтаси ривожланиши ўртасидаги боғлиқликни аниқлади. Агар одам ҳар куни 45-60 дақиқадан кўпроқ вақт давомида мобил телефонда гаплашса, бош оғриғидан кутулиб бўлмаслиги исботланган. Мобил телефондан мунтазам фойдаланишнинг энг “зарарсиз” ва жуда тез содир бўладиган оқибатлари: хотира ва диққатнинг пасайиши, бош оғриғи, қулоқ пардасидаги қулаганиш, асбийлашиш, тўсатдан чарчoқ ҳужумлари,

ақлий қобилиятларнинг бузилиши кабилар қиради.

Маълум бўлишича, бизнинг мобил телефонларимиз ҳақиқий инфекция манбаи ҳисобланади. Мобил телефонлар ва инсонлар доимий фойдаланадиган бошқа буюмлардан инфекциялар учун намуналар олинганда, натижалар олимларни ҳайратда қолдирди. Мобил телефонлар корпусида эшик тутқичлари, клавиатура, пойабзал тағлиги ва ҳатто ҳожатхона ўриндиқларига қараганда кўпроқ бактериялар топилган. 2001 йилда Европа Парламентининг Тадқиқотлар бошқармаси мобил телефонга “хукм” эълон қилди: бу “эпилепсия ривожланишига, иммунитетнинг заъфлашишига ва саратон касаллигининг пайдо бўлишига” сабаб бўлади.

Мобил телефоннинг бола танасига бўлган таъсири ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир. Болаларининг мобил телефонлардан фойдаланиши алоҳида хавотир уйғотади: мўрт, ёш, ўсиб бораётган организмлар салбий таъсирларга кўпроқ мойил бўлади. Баъзи давлатлар ҳатто болалар учун мўлжалланмаган мобил телефонларни сотишни тақиқлашгача борган. Маълумотларга кўра, Франция, Буюк Британия, Италия, Испания, Ирландия каби Европа давлатлари мактабларда смартфонлардан фойдаланишни тақиқлаган ёки



чекламоқчи. Болаларнинг мия тўқималари кўпроқ ўтказувчан, уларнинг бошлари кичикроқ ва бош суяғи ингичка бўлганлиги сабабли, улар катталарга қараганда қаттиқроқ ва кенроқ электромагнит таъсирига дучор бўлишади. Болалар учун мобил телефон узоқ вақтдан бери қўнғироқлар билан боғлиқ бўлган зарурат тоифасидан ўйинчоқлар тоифасига ўтди. Кимда энг зўр телефон бор? Кимда кўпроқ ўйин бор? Бу ва бошқа кўплаб саволлар ёш озуначиларни қизиқтиради. Демак болалар учун мобил телефон тенгдошлар орасида ўзини ўзи тасдиқлаш рамзидир: у қанчалик “замонавий” бўлса, улар уни шунчалик ҳурмат қилишади. Маълум бўлишича, агар ота-оналар бирон бир сабабга кўра мобил телефон сотиб ололмасалар, болалар бунни ўз ҳуқуқларининг бузилиши деб билишлари, ҳавотирланишлари ва бу ҳақда айрим комплексларга эга бўлишлари мумкин. Бола учун бундай ҳолатлар стрессдир, бу эса соғлиқ муаммоларига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, “мобил телефон” болага нисбатан тажовузкорларни жалб қилиши ҳам мумкин.

Автомобилларни ҳайдаш пайтида мобил телефондан фойдаланиш бахтсиз ҳодисага дучор бўлиш эҳтимолини тўрт баравар оширади. Бундан ташқари, “қўларсиз эшитиш” воситасидан фойдаланиш ҳам ёрдам бермайди, негаки сизнинг эътиборингиз йўлга эмас, балки суҳбатга бағишланган бўлади. Шунингдек, қулоқчин билан юрган пйёданга автомобиллар

уриб юбориши ҳодисалари юқори бўлади.

Мобил телефонлардан унумли фойдаланишнинг томонлари ҳақида ҳам айтиб ўтишимиз керак. Асосийси, вақтни тежаш ва қулайликдир. Қариндошлар ва дўстлар билан бевосита алоқа қилмасдан мулоқот қилиш мумкин. Мобил телефон ўз эгасига ўзини анча ишончли ва хавфсиз ҳис қилиш имконини беради, чунки у исталган вақтда оиласи, дўстлари, танишларига қўнғироқ қилиб, ёрдам ёки бошқа нарсаларни сўраши мумкин бўлади. Албатта, телефон алоқалари пайдо бўлиши билан барча алоқалар сезиларли даражада осонлашди – муҳим маълумотларни улашиш анча кам вақт ва куч талаб қила бошлади. Шунингдек, мобил телефонларнинг яна кўплаб фойдали томонларини санаб ўтсак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мобил телефонлар инсон саломатлигига, айниқса, болаларнинг организмига кучлироқ салбий таъсир кўрсатиши мумкин, аммо кўплаб мактаб ўқувчилари бу ҳақда билмайдилар. Мобил телефонлар кундалик ҳаётда муҳим аҳамиятга эга, аммо танамизни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш учун мобил телефондан фойдаланиш қоидаларини билишимиз ва уларга мунтазам равишда риоя қилишимиз керак. Агар ушбу асосий қоидаларга риоя қилсак, мобил телефон таъсирларини минималлаштиришимиз мумкин бўлади.

Рушана ИСМАИЛОВА,
талаба

Бугунги кунда дунё миқёсида иқлим ўзгариши, табиий ресурсларнинг чекланганлиги ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши каби долзарб масалалар инсониятни янги ёндашувларни излашга ундамоқда. Бунда оқилона истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш моделларига ўтиш барқарор ривожланишнинг муҳим пойдевори сифатида қурилмоқда.

ОқилОНА ИСТЕЪМОЛ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МОДЕЛЛАРИГА ЎТИШ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

Оқилона истеъмол ва ишлаб чиқариш (ОИИ) бу ресурсларни тежамкорлик билан ишлатиш, чиқиндиларни камайитириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш орқали барқарор ривожланишга эришишни мақсад қилган тизимдир. Ушбу ёндашув ишлаб чиқариш жараёнларида экологик тоза технологияларни жорий қилишни ҳамда аҳолини маъсулиятли истеъмол маданиятига ўргатишни ўз ичига олади. Оқилона истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш моделига ўтиш бутунги кунда ҳаётий заруратга айланиб бормоқда. Ер шаридаги энергия, сув ва бошқа табиий ресурсларнинг чекланганлиги бу борада шошилинч чоралар кўришни талаб қилмоқда. Табиий бойликларнинг айримлари тугаш арафасида тургани уларни оқилона бошқариш ва тежаш муҳимлигини янада оширади. Шу билан бирга, иқлим ўзгариши глобал муаммолардан бири бўлиб, яшил иқтисодиёт ва паст-углеродли технологияларни ривожлантириш орқали иссиқхона газлари эмиссиясини камайитириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳар йили миллионлаб тонна чиқиндилар атроф-муҳитни ифлослантиради, бу эса қайта ишлаш тизимларини кенроқ қўллаш ва чиқиндиларни камайитириш заруратини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, экологик тоза маҳсулотлардан фойдаланиш нафақат табиатни ҳимоя қилади, балки инсон саломатлигини сақлашга ҳам бевосита ҳисса қўшади.

Мазкур муаммоларни ҳал қилиш учун ишлаб чиқариш соҳасида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Аввало, энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш муҳимдир. Атроф-муҳитга зарар келтирмайдиган хомашё танлаш ва чиқиндиларни қайта ишлаш тизимларини жорий қилиш ушбу жараёни янада самарали қилади.

Шу билан бирга, истеъмол маданиятини шакллантириш ва аҳолини маъсулиятли ёндашувга ундаш зарур. Маҳаллий ишлаб чиқаришган маҳсулотларни танлаш орқали маҳсулотларнинг экологик изини камайитириш, ортиқча сарфланишдан қочиш ва чиқиндиларни ажратиш одатларини кенгайтириш ижобий натижаларни келтириб қилади. Бу йўналишда таълим ва ахборотнинг ўрни катта. Мактаблар ва университетларда экологик таълимни кучайитириш, шунингдек, медиа орқали экологик маъсулиятга қорловчи кампанияларни олиб бориш орқали жамоатчилик оғнини ривожлантириш мумкин.

Ушбу қадамлар барқарор ривожланиш сари йўл очиб, инсониятнинг табиий ресурсларга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиради. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масаласи бутунги кунда инсониятнинг долзарб ва зифаларидан бири ҳисобланади. Сув, газ ва электр энергияси каби чекланган манбаларнинг самарали ишлатилиши нафақат экологик барқарорликни таъминлаш, балки иқтисодий харажатларни камайитиришда ҳам муҳим аҳамият касб

этади. Ушбу масала ҳар бир фуқаронинг маъсулиятли ёндашувини талаб қилади. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш қишлоқ хўжалиги ва уй хўжаликларида сезиларли натижалар беради. Замонавий томчилатиб сугориш технологияларининг қўлланилиши ва эски сугориш тизимларини оптималлаштириш сув сарфини сезиларли даражада камайтиради. Шунингдек, уй шаронтида сувни тежаш оддий лойиҳалар билан бошланади, масалан, тиш ювишда ёки идиш ювишда сувни кераксиз очик қолдирмаслик. Ёмғир сувини йиғиб, техник эҳтиёжлар учун ишлатиш ҳам самарали ечим бўлиб, бу атроф-муҳитга зарар етказмасдан табиий ресурслардан фойдаланиш имконини беради. Газ энергиясидан фойдаланишда самарадорликни ошириш учун юқори технологияли қурилмаларга, иқлим боғлиқ қаратил зарур. Энергия тежамкор плиталар ва иситгичлар ишлатилса, бу табиий газ сарфини камайтиради. Қиш мавсумида уйни қўшимча иссиқлик изоляцияси билан таъминлаш орқали иситиш харажатларини камайитириш мумкин. Бундан ташқари, газ плиталаридан фойдаланишда оддий ва маъсулиятли ёндашувлар, масалан, газни ортиқча ёқиб қолдирмаслик, сезиларли тежашни таъминлайди. Электр энергиясидан оқилона фойдаланиш масаласида ЛЕД чирокларни ҳимоя қилади, балки инсон саломатлигини сақлашга ҳам бевосита ҳисса қўшади.

Мазкур муаммоларни ҳал қилиш учун ишлаб чиқариш соҳасида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Аввало, энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш муҳимдир. Атроф-муҳитга зарар келтирмайдиган хомашё танлаш ва чиқиндиларни қайта ишлаш тизимларини жорий қилиш ушбу жараёни янада самарали қилади.

Шу билан бирга, истеъмол маданиятини шакллантириш ва аҳолини маъсулиятли ёндашувга ундаш зарур. Маҳаллий ишлаб чиқаришган маҳсулотларни танлаш орқали маҳсулотларнинг экологик изини камайитириш, ортиқча сарфланишдан қочиш ва чиқиндиларни ажратиш одатларини кенгайтириш ижобий натижаларни келтириб қилади. Бу йўналишда таълим ва ахборотнинг ўрни катта. Мактаблар ва университетларда экологик таълимни кучайитириш, шунингдек, медиа орқали экологик маъсулиятга қорловчи кампанияларни олиб бориш орқали жамоатчилик оғнини ривожлантириш мумкин.

Ушбу қадамлар барқарор ривожланиш сари йўл очиб, инсониятнинг табиий ресурсларга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиради. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масаласи бутунги кунда инсониятнинг долзарб ва зифаларидан бири ҳисобланади. Сув, газ ва электр энергияси каби чекланган манбаларнинг самарали ишлатилиши нафақат экологик барқарорликни таъминлаш, балки иқтисодий харажатларни камайитиришда ҳам муҳим аҳамият касб

Обиджон АБДУЛЛАЕВ,
математика ва физика фанлари доктори, профессор.

Qishloq hayoti
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси комплекс
таркибидagi ҳамда бошқа давлат
вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир:
**Чори
ЛАТИПОВ**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Ақтам ХАНТОВ,
Махмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ,
Раимқул СҲАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табок. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Нашр индекси – 144. Буюртма Г-217. 1870 нусхада чоп этилди. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Таҳририят манзили: Тошкент вилояти Қийрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоиси келишилган нархда.
Саҳифаловчи-дизайнер: М.ЮСУПОВ
Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 20.40